РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СИЁСАТИ ВА ДЕҲҚОНЛАР ТУРМУШИНИНГ АҲВОЛИ

Э.М.ЭРКАЕВ

В статье на основе архивных материалов освещена деятельность царской России по обеспечению текстильных фабрик метрополии дешевым хлопковым сырьем в начале XX века, что негативно отразилось в социально-экономической жизни народов Туркестана.

In the article, on the basis of archive and other documentary materials, lit actions of tsarist Russia, on providing central textile factories by cheap cotton and raw materials at the beginning of XX century, that negatively reflected in social-economic life of people in Turkistan.

Ўрта Осиёни зўравонлик билан забт этган Россия империяси Туркистон ўлкаси моддий бойликларини ўзлаштириш, Европа бозорларида рақобатга бардош бера олмаётган саноат маҳсулотларини Ўрта Осиё ва у орқали Шарқ мамлакатлари бозорларига чиқариш, ривожланаётган тўқимачилик саноати учун арзон хом ашё манбаига эга бўлиш, ер ости ва ер усти бойликларини метрополия манфаатларига мослаштириш сиёсатини амалга ошира бошлади.

Россия империяси Туркистонда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олганидан кейин, метрополия билан мустамлака ўртасида иқтисодий муносабатлар характери ҳам ўзгара бошлади. Пахта хом ашёсига бўлган талабнинг ошиб бориши пахта майдонларини кенгайтириш заруратини юзага келтирди. 1907 йилда деҳқончилик министрлиги қошида “Пахтачилик комитети” тузилади. Комитетнинг асосий вазифаси пахта экин майдонларини кенгайтириш, сунъий суғориш тармоқларини яхшилаш, пахта савдоси ва ташиб кетишни тартибга солиш ҳамда тўқимачилик саноатини пахта хом ашёси билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўришдан иборат эди. Аммо комитет ўз олдига қўйган вазифани тўла адо эта олмади. Чунки у пахтачиликни ривожлантириш учун фақат сунъий суғориш тармоқларини кенгайтириш режаларини тузишга доир маълум чораларни кўрди, холос. Бироқ подшо ҳукумати пахтачиликка оз маблағ сарфлаб, кўп даромад олишни кўзлар эди. Шунинг учун ҳам пахта майдони янги ерлар ўзлаштирилмасдан ғалла ва бошқа озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни қисқартириш эвазига кенгайтирилди.

1906 йилда Тошкент – Оренбург темир йўлининг ишга туширилиши муносабати билан Россиядан Туркистонга ғалла келтириш бошланди. Бунинг эвазига ўлкада ғалла етиштириш кескин қисқара бошлади. Мисол учун: Фарғона водийсида 1907 йилга келиб ғалла фақат 378.090 десятина ерга экилди. Пахта экиладиган ер эса бу даврда 199.999 десятинадан 378.359 десятинага кўпайди.[5.24]. Бу ҳолат ўлкада ғалла етиштиришнинг камайишига ва рус ғалласига бўлган қарамликнинг кучайиб боришига олиб келди.

Пахтачиликни ривожлантириш борасида ҳукумат миқёсида икки хил қараш мавжуд эди. Биринчи фикр тарафдорлари таклифига кўра, суғориладиган ерларда пахта етиштиришни кўпайтириш ғалла ва бошқа экинлар экиладиган ер майдонларини қисқартириш ҳисобига бўлиши лозим эди. Бундай қилинса, фақат Туркистон пахтасидан эмас, Россия ғалласини ўлкага келтириб сотишдан ҳам даромад олинарди ва чет элдан келтирилаётган пахтага қарамликдан озод бўлиб, сарфланаётган (асосан Америкада) катта маблағларни тежаш имконини берар еди.

“Ҳар бир пуд Туркистон ғалласи, - деб кўрсатилган эди ҳукумат ҳужжатларида, - Россияда етиштирилаётган ғаллага, ортиқча етиштирилаётган ҳар бир пуд пахта эса Америка пахтасига рақибдир” [1.88]. Бунинг маъноси шундан иборатки, борди-ю ўлкада ғалла кўп етиштирилса, пахта камаяди, ғалла эса кўпайиб, Россия ғалласига эҳтиёж қолмайди. Натижада, Россия икки томонлама зиён кўради.

Иккинчи фикр тарафдорлари эса пахтачиликни ривожлантиришни янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига амалга ошириш таклифини илгари сурдилар. Аммо бу таклиф деярли инобатга олинмади.

Ўлкада пахта тозалаш заводларининг қуввати ошиб бориши натижасида кўплаб чигит тўплана борди. Илгари қадрсиз бўлган чигитдан 1890 йилдан бошлаб саноат усулида ёғ олишга эришилди. Темир йўллар ишга тушгач, пахта ёғи Россияга ва у орқали чет элларга узлуксиз ташиб кетила бошланди. Бу эса ўлкада ёғ-мой заводлари қурилишини тезлаштирди. Масалан, 1908 йилда Наманган, Андижон, Марв уездларида 11 та янги завод қурилди. Бироқ бу заводларнинг 9 таси руслар ва арманларга, фақат 2 тасигина маҳаллий сармоядорларга қарашли эди. Туркистонда тайёрланган пахта ёғининг атиги 25 фоизигина маҳаллий эҳтиёжлар учун сарфланар эди. Қўқон биржа комитети маълумотларига кўра, агар 1901 йилда 30800 пуд пахта ёғи Россияга ташиб кетилган бўлса, 1914 йилга келиб Туркистондан ёғ олиб кетиш ҳажми 3.000.000 пудга етган [4.134].

Чигитни қайта ишлаш жараёнидан қолган шулха ва кунжара озуқасига хорижда, хусусан, Германияда талаб катта эди. Бироқ Туркистон ўз маҳсулотларидан жаҳон бозорида катта даромад олиши мумкин бўлгани ҳолда, улар арзимаган нархда Россияга олиб кетиларди.

XIX асрнинг 60-йилларидан то 1916 йилгача бўлган даврда метрополия манфаатлари учун пахтачиликни ривожлантириш ва ундан олинадиган даромадларни кўпайтириш ҳаракати бутун Туркистон бўйлаб кенг қулоч ёйди. Пахтачилик мавқеи юқорига кўтарилган сари пахта майдонларини кенгайтиришга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб борди. Ўлкада пахта етишти-

ришга ихтисослашган экин майдонларининг ҳажми кескин ошиб борди. Агар 1901 йили 160013 десятина ерга пахта экилган бўлса, 1916 йилга келиб пахта экиладиган майдон ҳажми 533671 десятинага етди. Шунга монанд равишда 1901 йили 6,9 млн. пуд пахта Россияга юборилган бўлса, 1916 йилга келиб юборилаётган пахтанинг миқдори 18,5 млн. пудга етди [1.103].

Биринчи жаҳон уруши муносабати билан Америкадан пахта келтириш мушкуллашгани сабабли Россия тўқимачилик саноатининг ўзбек пахтасига эҳтиёжи янада ошиб борган.

1900 йилда ўзбек пахтаси рус тўқимачилик саноатида ишлатиладиган умумий пахтанинг 33 фоизини ташкил этган бўлса, 1916 йилда 72 фоизни ташкил этган [4.134]. Умуман олганда, Туркистон ўлкасида етиштирилган пахта хом ашёсининг 84 % - 86 % и Россиянинг марказий районларига жўнатилган.

Ўлкада пахта етиштиришдаги барча машаққат оддий деҳқонларнинг зиммасида эди. Пахтакорларга қилинган зулм ва азобнинг чегараси бўлмаган. Одатда эрта баҳорда бор маблағини озиқ-овқат, кийим-кечакка сарфлаган деҳқон ерни ҳайдаш, уруғлик сотиб олиш ва экиш ишларига пахта сотиб олувчи фирма вакилларидан қарзга пул олиш ҳақида шартнома тузарди. Бу олди-бердини амалга оширишда қишлоқ оқсоқоллари, аравакашлар, пахтани чигит ва чангдан тозалашни уюштирувчи “чистачи”лар воситачилик қилганлар. “Чистачи”лар фақат тозалаш билан шуғулланмай, фирмалардан пул олган ва уни қарзга деҳқонларга улашган. “Чистачи”лар пахтакор деҳқонларга пулни қарзга беришдан олдин ҳар бир хўжаликнинг имкониятини, ернинг ҳосилдорлигини, пахта етиштиришга қодирлигини аниқлаганлар ва шундан сўнггина қарз пули расмийлаштирилган. Қарздорликка оид мажбурият ҳар бир жой қозисининг муҳри билан тасдиқланган. Кўп ҳолларда пулнинг 50 фоизи эрта баҳорда, қолган қисми ёзнинг ўрталарида ёки пахта теримидан сўнг тўланган. Қарздорлик ҳужжатига биноан ҳар бир хўжалик ўз ҳосилини фақат қарзга пул берган шахсга топшириши шарт эди. XX асрнинг бошларида пул ўрнига ун, ғалла, чой, газлама ва бошқа нарсалар берила бошлаган. Бу пахтакорларни янада хонавайрон қилган. Чунки эрта баҳорда кўрсатилган молларнинг нархи 3-4 баробар ошиб кетар эди ва қарз берувчилар саноат ва озиқ-овқат молларини шу бозор нархида пулга чақиб, пахтакор деҳқонларга ўтказар эдилар.

Одатда, банклар фирмаларга 8-9 фоиз фойдаси билан пул берган бўлса, фирмалар бу пулни 12-16 фоиз ҳисобида “чистачи”ларга ўтказган, улар эса пулнинг маълум қисмини пахтакорларга 40-60 фоиз фойдасига, қолган қисмини 25-40 фоиз фойда бериш шарти билан аравакашларга ўтказган [5.34].

Пахтакорларнинг кўпчилигида от-арава бўлмагани сабабли пахта қабул қилиш пунктларига пахта ҳосилини олиб бора олмас эди. Бундан фойдаланган аравакашлар пахтани иложи борича арзон нархларда сотиб олар ва фойдаси билан пахта қабул қилиш пунктларига топширар эди.

Туркистон ўлкасида, айниқса, Фарғона водийсида экиладиган ерларнинг 80-85 фоизи пахтачиликка ихтисослашгани сабабли озиқ-овқат, ем-хашак танқислиги вужудга кела бошлади. Уруш бошланганидан сўнг пахтанинг нархи 50 фоизга, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг нархи эса 200% га кўтарилди ва бу пахтакорларнинг турмуш тарзига салбий таъсир ўтказди. Қашшоқлашган деҳқонлар ўз ерларини арзонгаров сотиб юбора бошлаганлар. Масалан, Марғилон уездида ўртача ҳар десятина ер 950-990 сўм бўлгани ҳолда, қарздан қутулиш учун деҳқонлар ўз ерларини 300-500 сўмдан сотишга мажбур бўлганлар [2.35].

1916 йилда Туркистонда ғалла ҳосили яхши бўлмагани сабабли 1917 йил баҳорги қурғоқчилик шундай ҳам уруш даврида қийналиб яшаётган деҳқонларга катта қийинчиликлар туғдирди. 1 пуд доннинг нархи 1917 йилга келиб 35 сўмдан 81 сўмгача кўтарилди [6.41-42].

1914 йил 15 октябрда императорнинг пахтанинг ҳар бир пудидан 2 сўм 50 тийиндан “ҳарбий солиқ” олиш тўғрисида фармони чиқди. “Ҳарбий солиқ” 30-40 млн сўмни ҳукумат хазинасига тушириб, пахтакорларнинг аҳволини чидаб бўлмас холатга келтирди. Қарзга ботиб, қарзини узиш учун еридан, мол-мулкидан маҳрум бўлган деҳқонлар бойларнинг ерида чорикорлик қилганлар. Чорикор ер билан бирга иш ҳайвони, уруғлик, деҳқончилик қуроллари, қарзга пул олган бўлса, ҳосилнинг бешдан уч қисмини ижарага тўлашга мажбур бўлган. Чорикорнинг бир кунлик меҳнати ҳақи 9 тийиндан ошмаган. Бу даромад бир десятина ердан 9 центнер ҳосил етиштирилгандагина олинган. Ваҳоланки, пахта ҳосили кўпинча кўрсатилган миқдордан паст бўлган. Натижада чорикорлар қарзга чуқурроқ ботиб, уларнинг хўжалиги баттар қашшоқлашарди. Ўша вақтларда ерсиз хўжаликлар ўлканинг баъзи жойларида 40 фоизни, уйсиз хўжаликлар эса 25 фоизни ташкил этар эди [2.37].

Чор ҳукумати Туркистон ўлкасини нафақат пахта хом ашё манбаига, балки тайёр маҳсулот бозорига ҳам айлантирди. Мустамлакачилик муҳитида пахтачиликнинг ривожланиши ўзбек халқига фойдадан кўра кўпроқ зиён келтирди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности Туркестана.- М., 1926
2. Зиёев Х. Ўзбекистон пахтачилиги тарихидан.- Т.: Фан, 1980
3. Раззоқов А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи.- Т.:Ўзбекистон, 1994
4. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари.- Т.:Шарқ, 2000
5. Голованов А.А., Саидов И.М. Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX-первой трети XX вв.- Самарканд:. Суғдиёна, 2007
6. Ўз.Р. МДА. д 164. варақлар. И-423.ф., 1-р., 164 иш, 41-42 варақлар.

Андижон давлат университети
2011 йил 12 январда қабул қилинди
(Тақризчи: проф. И.А.Алимов)